# ҚУВАСОЙ САНОАТ ШАҲРИ

***Шу пайтгача Қувасой шаҳри мамлакатимиздаги саноатлашган шаҳарлардан бири сифатида маълум эди. Бугунга келиб бу шаҳар нафақат ўзининг сифатли саноат маҳсулотлари, балки гўзаллиги, ободлиги, энг муҳими 72 мингдан зиёд аҳолисининг турмуш даражаси юқорилиги билан ҳам барчанинг эътирофига сазовор бўлмоқда.***

Қувасойда ишлаб чиқаришни жаҳон андозалари асосида ташкил этиш, аҳоли турмушини юқори даражага кўтариш имконияти борлиги аниқ далиллар билан изоҳлаб берилди. Ҳокимнинг ташаббускорлиги барчани ҳаракатга ундади.

Мамлакатимиз Президентининг Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси ўзининг ижобий натижаларини кўп куттириб қўймади. Бугунги кунда Қувасойда 678 та саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхона фаолият кўрсатмоқда. Шундан 83 таси йирик корхоналар сирасига киради. «Қувасойцемент» ва «Кварц» ҳиссадорлик жамиятлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулотларнинг сифати бўйича хорижий корхоналар билан рақобатлаша оладиган замонавий жамоаларга айланди. Айни кунларда бу корхоналарга ишга киришни хоҳловчиларнинг саноғи йўқ, чунки гигант корхоналарда ишловчиларнинг ўртача маоши 70 минг сўмдан ошаётганлиги, ишчиларга хорижий корхоналарникидан қолишмайдиган даражада шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти.

- Саноат корхоналаримизда шу йилнинг 5 ойи давомида 16 миллиард 91 миллион 804 минг сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди,- дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Неъматжон Назиров. - Бу ҳол ички бозорни маҳсулот билан тўлдириш, шаҳар аҳолиси фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шаҳар раҳбарияти ана шундай корхоналар сонини янада ошириш учун изланишлар олиб бормоқда. Шу ҳаракатлар натижасида ҳозир Қувасойда 2 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. «Делорос» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида сифатли ғишт ва электрод ишлаб чиқарилаётган бўлса, Швейцария ва Италия билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган «Делькон» қўшма корхонасида Қувасой боғларида етиштирилган мевалардан сифатли шарбатлар тайёрланмоқда. Шаҳарда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратиб берилгани боис уларнинг сони 521 тадан ошиб кетди. Бу кўрсаткич шу йилнинг 1 январ ҳолатига нисбатан 104 тага кўпайгани ҳам эътиборлидир.

*Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигига*

Қувасойда фаолият кўрсатаётган корхоналар шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилашга ўзларининг беминнат ёрдамларини кўрсатиб келишмоқда. «Қувасойцемент» корхонаси бу соҳада ҳам барчага ибрат бўлмоқда. Ушбу жамоа маъмурияти шаҳар марказий шифохонасини ўз ҳомийлигига олган. Цементчилар шаҳардаги тез тиббий ёрдам марказини бунёд этишда ҳам бош-қош бўлдилар. «Кварц» ҳиссадорлик жамияти ҳам савобли ишлардан четда қолаётгани йўқ. Айнан ушбу корхона шаҳардаги Пакана қишлоғи аҳолисига хизмат қилувчи қишлоқ врачлик пунктини қуриб берди. Шаҳарда таълим-тарбия ишларига ҳам катта эътибор берияпти. Мавжуд 27 та умумтаълим мактаб ва 1 та иқтидорли болалар гимназиясининг фаолияти доимо шаҳар раҳбариятининг назоратида турибди. Шу кунгача ушбу ўқув масканларида оталиқ ташкилотлар 47 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини бажаришди. Ўтган ўқув йилида аълочи ва интизомли ўқувчиларга ҳомий ташкилотлар 11 миллион сўмлик совға-саломлар улашилди.

Шаҳарда қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ишлаб чиқилган режа бўйича хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар «Нуроний» жамғармасига ҳар бир ширкат хўжалигидан 1-1.5 гектар ер ажратиб берилган. Бу ерларда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари, мевалардан шаҳар нуронийлари баҳраманд бўлишмоқда. Корхона ва ташкилотларда ишлаб нафақага чиққан меҳнат фахрийларига қўшимча нафақалар тайинланган, кўпларининг турар-жойлари корхоналар ҳисобидан таъмирлаб берилмоқда.

Шаҳарда 140 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларда аҳоли учун барча шарт-шароитлар яратилган. Газ, ичимлик суви, электр-энергиядан ҳеч қандай муаммо йўқ. Хуллас, турар жойдаги шароитдан нолийдиган одам йўқ ҳисоби. Уй-жойлар назорати шаҳар уй-жойлар ширкатлари уюшмасига бирлашган 20 та ширкатларга топширилган. Ўз навбатида ушбу ширкатларни шаҳардаги бақувват корхона ва ташкилотлар оталиқларига олишган. «Цементчи», «Қувасойчинниси», «Наво» ширкатларига қарашли уйлардаги шароитларни кўриб шаҳар аҳолисига ҳавасимиз келди. Ҳар бир ширкатда спорт майдончалари, дам олиш жойлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган.

Халқимизда, меҳнатдан келса бойлик-турмуш бўлар чиройлик, деган ажойиб нақл бор. Қувасой корхоналарида фидойилик билан меҳнат қилаётган аҳолининг турмуш тарзи тобора яхшиланиб бормоқда. Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш ҳам намунали тарзда ташкил этилган. Шанба ва якшанба кунлари Ҳамид Олимжон номидаги истироҳат боғи меҳнаткашлар билан гавжум. «Цементчи» спорт мажмуи ҳам шаҳар аҳолиси хизматида. Айниқса, ўйингоҳ футбол бўйича мамлакат чемпионати биринчи лигаси пешқадамларидан бири «Цементчи» жамоаси учрашувларида лиқ тўлади. «Қувасойцемент» АЖ га қарашли бўлган жамоанинг ўйинларига кириш бепул бўлганлиги ҳам эътиборга лойиқдир.

**Мўйдинжон СОБИТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**





*Оққўрғон туманидаги «Имкон» масъулияти чекланган жамияти томонидан бир ойда 300-350 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилмоқда. Айни кунда корхонада 75 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улар учун кутубхона, дам олиш хоналари ишлаб турибди. Ойлик маош эса 30-35 минг сўмни ташкил этмоқда.*

**Суратларда: илғор ишчилар Жамол Бойчиев ва Мирзакарим Бобоёров.**

**Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар.**

*2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили*

# ХОРАЗМЛИК ЁШУЛЛИЛАР

## ўзларига кўрсатилаётган меҳрибонликка жавобан савобли ишларга қўл урмоқдалар

Инсон кексалик палласига қадам қўйганида аввало ўз оиласи, фарзандларининг, қолаверса, маҳалла-кўй, жамиятнинг эътибори ва кўмагига кўпроқ эҳтиёж сезади. Шу боисдан Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури бўйича Хоразмда ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип ота Қувоқовнинг умри далада ўтган. 1947 йилнинг апрелидан бошлаб, Боғот туманидаги «Боғот» ширкат хўжалигига раҳбарлик қилди. Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида ширкат хўжалиги аъзолари жамоа ташкил топганининг 30 йиллигини нишонлашди. Барчанинг ёдида, 1997 йилнинг 26 сентябрида Президентимиз ушбу хўжаликда бўлиб, раҳбарлар, деҳқонлар билан дилдан суҳбатлашиб, уларга деҳқончиликка илғор тажрибаларни, иқтисодий ислоҳотларни жорий қилиш юзасидан қимматли маслаҳатлар берган эди. Ўшандан буён катта жамоада ўзгаришлар даври бошланди.

Тадбиркор раҳбар Машарип ота бошлиқ жамоа иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда салмоқли натижаларга эришаяпти. Пахтанинг серҳосил ва истиқболли «Меҳнат» нави меҳр билан парваришланмоқда. Ғалла ўриб-йиғиб олиниб, Жанубий Корея усулида агрегатлар билан шоли кўчатлари экилди. Хориж технологияси асосида мева ва узум шарбати тайёрлайдиган корхона, мураббо, томат, консерва, макарон цехлари ишга туширилди. Хўжалик иқтисодиёти мустаҳкамланиб, барча тармоқлардан 750 миллион сўм даромад олинди. Шундан 216 миллион сўми соф фойдадир. Иш ҳаққининг ўзига 189 миллион сўм маблағ тўланди. Бундай хайрли ишларга кексаликни писанд қилмайдиган фидойи инсон Машарип Қувоқов бош-қош.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими бошқарув ҳайъатининг раиси Б.Қурбоновнинг ҳикоя қилишича, сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтган нуроний отахон ва онахонлар ёш авлод тарбиясида фаол иштирок этяптилар.

Хазорасп туманида кексаларни эъзозлаш ва қадрлашга қаратилган ибратли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, ҳашар йўли билан «Хотира хиёбони» қуриб битказилди. «Урганчёғ» ҳиссадорлик жамиятида уруш қатнашчиси, узоқ йиллар шу жамоага раҳбарлик қилган Сотим Нурматов ҳамда ёғ-экстракция заводининг ривожига катта ҳисса қўшган Телман Мусаевлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Гурланнинг «Қорақалпоғистон» ширкат хўжалигида ўзбек деҳқонининг ҳаётидан ҳикоя қилувчи музей очилди. Янгиариқда «Оталар чойхонаси» қуриб, ишга туширилди.

Аҳамиятлиси шундаки, жамғарма вилоят бўлими маҳаллий ҳокимият идоралари билан ҳамкорликда қарияларни ижтимоий муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратган. Кейинги йилларда уруш қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийлари, ёлғиз қарияларга 72 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шаҳар, туман ҳокимликлари, ҳомий ва оталиқ корхоналар, хўжаликларнинг мадади билан 230 дан ортиқ фахрийларнинг уйлари бепул таъмирланди. Уч мингдан кўпроқ кексалар санаторий ва дам олиш уйларида соғлиқларини тикладилар, 800 нафар ногирон ортопедик мосламалар, 240 киши ногиронлик аравачалари билан таъминланди.

Қишлоқ ва маҳаллалардаги жамоатчилик марказига уюшган қариялар меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, ҳарбий қисмларда бўлиб, ёшларга ўз ҳаётий тажрибалари ҳақида сўзлаб беришаяпти. Нуронийлар ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, янги боғлар барпо этиш, кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш, мевали, манзарали дарахтлар экишда бош-қош бўлишяпти.

Қаерда кексаларга эътибор оширилса, ўша жойдан файзу-барака кўтарилмайди. «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори Шоназар Юсупов, фахрий академик Абдушарип Мадрахимов, фан ва маърифат фидойилари Матёқуб Матниёзов, Абдулла Сотлиқов, шифокор Шокир Хўжаев, хизмат кўрсатган маданият ходими Ойбиби Худойберганова, моҳир рассом Лола Абдуллаева, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси раиси Ленинза Асқарова, устоз мураббийлар Марям Ёқубова, Тоҳиржон Сотлиқов, Тўтижон Юсупова, Аноргул Пирнафасова, Рўзимбой Оллаберганов каби юзлаб кекса авлод вакилларининг номлари ҳурмат ва фахр билан тилга олинади. Хоразмда кекса кишиларни «Ёшулли» деб эъзозлашади. Ўзининг тўғрисўзлиги, бағрикенглиги билан ажралиб турадиган Хоразм ёшуллилари Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган меҳрибонликка хайрли ва савобли ишлари билан жавоб бермоқдалар.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## БАРАКА ЙИЛИ

Чилла қуёши борлиқни қиздиради. Шунга қармасдан Муборак туманининг бепоён ғаллазорларида ғалла ўраётган комбайнлар гувиллаши бир зум бўлса-да тинмайди. Дон ортилган машиналар бирин-кетин хирмон томон йўл олади. Дарвоқе, табиат бу йил юртимиз ғаллакорларига ёрдамлашди. Кўкламнинг серёғин келиши мўл ҳосилга замин яратди. Олдинги икки йил мобайнида қиш ойлари ва баҳорнинг қурғоқчил келиши оқибатида туманда ҳосилдорлик кутилгандек бўлмаган эди. Шукроналар бўлсинки, бу йил ўтган йиллардаги етишмовчиликлар ўрни тўлиб, хирмонга баракали дон тўкиляпти.

- Ҳосилни қисқа фурсатда, исрофгарчиликка йўл қўймай йиғиштириб олиш учун ҳамма чораларни кўраяпмиз,- дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қўйли Раҳмонов. - Автокорхоналар ва МТПлар раҳбарлари билан биргаликда махсус дастур ишлаб чиқдик. Айни кунларда мавсум юмушларини ушбу дастур асосида олиб бораяпмиз.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоиз, пешқадамлар қатори муборaклик ғаллакорлар ҳам қабул пунктларига режадаги 20.650 тонна ўрнига 22 минг тонна ғалла етказиб режани уддаладилар. Бундай хирмоннинг юксалишида тумандаги Амир Темур номли, Хитой, Қарлик ширкат хўжаликлари ҳамда «Наврўз», «Зафар», «Акмал» фермер хўжаликларининг азамат деҳқонлари ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар.

**М.НИЁЗОВ.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ТАНҚИДГА ЖАВОБАН – ИСТЕЪФО

Фаластин хавфсизлик хизматининг икки раҳбари ўзларининг Ёсир Арофат томонидан истеъфога чиқарилганликларини шарҳлаб, бошдан-оёқ қасосга йўғрилганлигини, шу боис ҳам улар мазкур буйруққа бўйсунмасликлари хусусида баёнот бердилар. Бу истеъфо, уларнинг фикрига қараганда, экстремистларга нисбатан қатъийроқ чоралар кўриш тўғрисида штаб ишлаб чиққан ислоҳотни амалга оширмаслик учун атайлаб ўйлаб топилган навбатдаги ўйиндир.

Маълумки, АҚШ ҳам, Исроил ҳам Яқин Шарқда осойишталик шарти сифатида экстремистик хатти-ҳаракатларни жиловлашни талаб қилмоқдалар.

### 15 ИЮЛДАН СЎНГ НИМА БЎЛАДИ?

Бугун Босния аҳли ўз-ўзига шу саволни бермоқда. Маълумки, собиқ Югославияга қарашли ҳудудга фуқаролар уруши тугагач, томонларнинг ўзаро тўқнашувларига йўл қўймаслик учун халқаро кучлар киритилган эди.

Куни кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши полиция корпуси мандатини 15 июлгача узайтириш тўғрисидаги қарорни бир овоздан маъқуллади. Хўш, бу муддат тугагач нима бўлади?

### ЯНА БИР ҚОТИЛЛИК

Москвада яна бир қотиллик юзасидан махсус штаб тузилди. «Алфавит» корпорациясининг 29 ёшли раҳбари Павел Шербаков ўз офисида ўлдириб кетилганлиги сабаблари ҳақидаги миш-мишлар эса воқеа содир этилган заҳоти тилдан-тилга кўчиб юрганлиги бежиз эмас. Павел нафақат омадли бизнесмен, айни вақтда Россия касаба уюшмалари конференцияси раиси Владимир Шербаковнинг ёлғиз ўғли ҳам эди.

### «ЮЛДУЗЛАР УРУШИ»ГА ҚАРШИ

АҚШ 1972 йилги ракетага қарши мудофаа тизими бўйича шартномадан бир томонлама чиққанлигини эълон қилгандан буён тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишга даъватлар янада баралла янграй бошлади. Қуролсизланиш бўйича халқаро конференция чоғида ҳам бу ҳақда сўз борди. Россия ва Хитойнинг космик кенгликни қурол-аслаҳалардан ҳоли қолдириш бўйича қўшма лойиҳаси, афсуски, АҚШ томонидан қўллаб-қувватланмади.

Тўғри, ҳозирча космосда ҳеч қандай қурол йўқ. Лекин яқин келажакда шундай хавф чиндан пайдо бўлиши мумкин.

### ХАВОТИРЛАНИШ

Биров айтса ишонмайсиз. Аммо, ҳақиқатан шундай бўлмоқда. Келгуси душанбада Барселона шаҳрида бошланадиган СПИД масалалари бўйича XIV Халқаро конференцияга турли мамлакатлардан делегациялар келиши муносабати билан Испанияда ҳис-ҳаяжонга тўла баёнотлар тарқала бошлади.

Делегациялар орасида аср вабоси деб аталаётган ушбу касаллик билан оғриган шахслар бўлса-чи? Айниқса, мезбонларни Африка қитъаси вакиллари хавотирга солмоқда. Россияликларга ҳам улар унчалик ишонч билдиришмаяпти. Чунки, маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда Россияда 1,2 миллион нафар киши шу хасталик билан оғриган.

### 12 МЕТР ЧУҚУРЛИКДА – 4 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

Албатта, ишониш қийин. Лекин солномачилар ёзиб қолдирган саҳифаларда шу ҳақда маълумотлар бор. Айтишларича, бундан уч аср муқаддам Шотландиянинг шимоли-шарқий қирғоқларида олтин ва кумушдан иборат улкан хазина сақланган. Унинг бугунги қиймати 4 миллиард доллар деб баҳоланмоқда.

Манбаларда қайд этилишича, миллий-озодлик ҳаракати авжига чиққан паллада бу бойликни денгиз йўли билан олиб келаётган кема ҳалокатга учраб, 12 метр чуқурликка чўкиб кетган. Лекин, айнан қаерда, то ҳанузгача ҳеч ким бу жумбоқни ечолмаётир.

# НОҲАҚ ИШДАН БЎШАТИЛГАН

## ходимларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланди

*Ижтимоий шерикчилик тамойиллари амалда*

***Ижтимоий шерикчилик тамойилларини изчил амалга ошириш меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, касаба уюшмаларининг жамиятимиздаги ўрни, мавқеини янада мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этаётир.***

Мақсадга эришишда бошқарув органлари, маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, синалган услублардан унумли фойдаланишнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Қатор йиллардан буён қўмитамиз адлия бошқармаси ҳамда вилоят фуқаролик суди каби идоралар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Инсон тақдири билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда кўпнинг фикрига суяниш кутилган натижаларни бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида меҳнат жамоаларида Ўзбекистон Конституцияси, Меҳнат қонунчилиги, Оила Кодексининг мазмун-моҳияти, ҳаётимиздаги ўрни хусусида савол-жавоблар, давра суҳбатлари ўтказилди. Уларнинг айримлари вилоят телевидениеси ҳамда матбуот орқали атрофлича ёритилди.

Эътиборлиси шуки, одамларда катта таассурот қолдираётган жонли мулоқотларда вилоят фуқаролик суди раиси А.Эронов, адлия бошқармасининг етакчи мутахассиси О.Нуритдинов, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот идораларининг вакиллари, олимлар фаол иштирок этмоқдалар.

Ижтимоий шерикчилик меҳнаткашлардан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ва уларни адолатли тарзда ҳал этиш, касаба уюшма аъзоларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда ҳам ғоятда қўл келмоқда. Шу ўринда бир мисол келтирсам. Наманган шаҳар Халқ банкининг уч ходимидан шикоят хати олинди. Хат муаллифлари ишдан ноқонуний равишда бўшатилганликларини маълум қилиб, адолатни тиклашда ёрдам беришимизни сўрашганди. Бу масала синчковлик билан ўрганиб чиқилди. Вилоят адлия бошқармаси мутахассисларининг маслаҳатлари олинди. Вакилларимиз шаҳар Халқ банкида бўлиб, раҳбарлар, мутахассислар, ходимлар билан суҳбатлар ўтказдилар. Маълум бўлдики, мазкур жамоада қонун бузилиш ҳоллари талайгина экан. Масала адолатли тарзда кўндаланг қўйилиб, барча камчиликлар очиб ташланди. Баъзи раҳбарлар ишдан четлаштирилди. Бизга мактуб йўллаган уч ходимнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланди ва улар севимли касбларида яна ишлай бошладилар. Умуман бизга оғзаки ва ёзма равишда мурожаат қилган 174 нафар касаба уюшма аъзосидан аксариятининг мушкули осон этилди. Уларга тегишли йўл-йўриқ, маслаҳатлар берилди.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ёлғиз кексалар, ўзгалар мададига муҳтож нуронийлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан аниқ тадбирларни амалга ошираяпмиз. Жумладан, «Мурувват уйи» ходимлари билан яқиндан алоқа ўрнатганмиз. Савобли тадбирларда баҳоли қудрат иштирок этаяпмиз. Демак, кўриниб турибдики, ижтимоий шерикчилик тамойиллари фаолиятимизни давр талаблари даражасида ривожлантириш, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси, деган номни оқлашда асосий омиллардан бири бўлмоқда.

**М.ЖАЛИЛОВ,**
**Наманган вилояти давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

# Демократик ҳуқуқий давлат сари

## Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев жавоб беради

**САВОЛ: менинг 18 ёшли болаликдан II гуруҳ ногирон фарзандим бор. Турмуш ўртоғим унинг парвариши билан банд бўлганлиги учун ҳеч жойда ишламайди. Эшитишимча, қарамоғида II гуруҳ ногирон боласи борларнинг ойлик маошидан даромад солиғи ушланмас экан. Умуман, жисмоний шахсларнинг қайси даромадлари солиққа тортилмайди, кимлар даромад солиғи бўйича имтиёзларга эга?**

**Н.САЛИМОВ,**
**Бухоро шаҳри.**



**ЖАВОБ:** Солиқ Кодексининг 58-моддасига биноан қуйидаги даромадлар жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди:

а) давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган ишдан бўшатиш ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (шу жумладан, оиланинг бемор аъзосини парваришлаш) нафақаларидан ташқари, шунингдек, хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва маҳсулот тарзида бериладиган нафақалар ҳамда бошқа ёрдам турлари;

б) алиментлар;

в) олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ўқув юртлари, уларнинг базасида ташкил этилган бизнес мактаблари, шу жумладан, олий ва ўрта диний ўқув юртлари томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинланадиган стипендиялар, шунингдек, ушбу модданинг «а» кичик бандида кўрсатилган жамғармаларнинг маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;

г) ҳунар-техника билим юртларининг ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес-мактабларнинг ўқувчилари бажарган иш учун уларга ушбу билим юртлари ва бизнес мактаблари берадиган тўловлари;

д) давлат пенсиялари, шунингдек, уларга устамалар;

е) фуқароларнинг қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган даромадлари, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон топширганликлари учун оладиган даромадлари;

ж) майиб бўлиш ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек, боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан кўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинадиган даромадлари;

з) фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларидан чет эл валютасида оладиган иш ҳақлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа даромадлари;

и) жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мулкни сотиш орқали оладиган даромадлари (тадбиркорлик фаолияти доирасида мол-мулк сотишдан олинган даромадлар бундан мустасно);

к) фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирган қорамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб маҳсулотларини хом ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек, асаларичилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари (шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги маҳаллий ҳокимият органлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси билан тасдиқланади);

л) бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган миқдоридаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек, халқаро ҳамда республика танлов, мусобақаларида олинган соврин буюмлар қийматининг миқдори;

м) мерос қилиб қолдириш ва ҳадя қилиш натижасида олинган даромадлар ва мол-мулк қиймати (фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақлари бундан мустасно);

н) давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлари;

о) фуқароларнинг суғурта бўйича оладиган даромадлари;

п) бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам маблағлари;

— табиий офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган ёрдам пуллари - тўлалигича;

— вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам пуллари — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорида;

— бошқа ҳолларда — энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорида;

р) депозит сертификатлар бўйича даромадлар, банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар;

с) фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олиш, «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга йўналтирилган маблағлари, шунингдек, акциялар бўйича олинган ҳамда дивиденд тўлаган акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган дивидендлари. Мазкур мол-мулк сотилганида илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солинади;

т) патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарнинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки фойдаланиш




бошланган санадан эътиборан амал қилиш муддати доирасида уларга лицензиялар сотишдан, шунингдек, лицензиат саноат



мулки объектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олган даромади:

ихтиролар ва селекция ютуғидан патент бўйича — беш йил давомида;

ихтиролардан дастлабки патент бўйича фойдаланишдан — уч йил давомида;

селекция ютуғидан гувоҳнома бўйича — уч йил давомида;

саноат намунасидан патент бўйича — уч йил давомида;

саноат намунасидан дастлабки патент бўйича — икки йил давомида;

фойдали моделдан гувоҳнома бўйича — икки йил давомида;

у) болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш масканларига, ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек, ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига тўлаган маблағлар. Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларни тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлаган маблағлар ҳам киради;

ф) амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасидаги товон тўловлари, меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товонлар бундан мустасно;

х) вақтинчалик бир марталик ишлар (мардикорлик)дан тушган даромадлар, агар бундай ишларга ёлланиш вақтинчалик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилган бўлса.

Шунингдек, Солиқ Кодексининг 59-моддасига биноан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқдан қуйидагилар озод қилинадилар:

1) тўлалигича:

а) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

б) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

в) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

г) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

д) ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари — агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, ушбу ташкилотлардан олган даромадлари бўйича;

е) Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига мансуб шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар — хизматни ўташ (хизмат вазифасини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлари бўйича;

ж) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия эгалари — гастрол-концерт фаолиятидан олинган тўловлари бўйича.

2) қисман, ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида:

а) «Ўзбекистон Қаҳрамони», ...,«Меҳнат Қаҳрамони» унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги «Шуҳрат» ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиши билан боғлиқ касаллик сабабли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар тоифасидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар тоифасидан бўлган но-



гиронлар, шунингдек, пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар;

б) хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар тоифасидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941-1945 йиллардаги уруш ҳамда бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари, II жаҳон уруши даврининг фронт орти меҳнат фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари;

в) Ленинград қамали пайтида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача бўлган даврда Ленинград шаҳрида ишлаган фуқаролар;

г) ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилар жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар;

д) болаликдан ногиронлар, шунингдек, I- ва II-гуруҳ ногиронлари;

е) қаҳрамон оналар, ўн ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар;

ж) ...ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёхуд шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик сабабли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари;

з) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

и) Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатида жабр кўрган шахслар;

к) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар;

л) икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва умр йўлдоши вафот этган эркаклар;

м) болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири;

н) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқаролар — ушбу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари бўйича.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг қатор тоифалари учун имтиёзли даромад солиғи миқдорлари белгиланган. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-Қарори билан тасдиқланган имтиёзли тарзда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 1-, 2- ва 3-сонли рўйхатларида кўрсатилган шахсларнинг оғир ва зарарли шароитларда олган даромадларини солиқ тарзида тортиб олиниш даражаси эркаклар учун 25, аёллар учун 20 фоиздан ошмаслиги керак (Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сонли ва 1999 йил 17 мартдаги 117-сонли қарорлари).

Шунингдек, табиий иқлим шароитлари ёмон жойларда ишлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар тарзида олинган даромадларга энг кам солиқ миқдорлари бўйича солиқ солинади (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 24 декабрдаги 562-сонли Қарори).

Жисмоний шахсларнинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи улар ҳисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганда вужудга келади.

### МЕҲНАТ ЯРМАРКАЛАРИ САМАРА БЕРМОҚДА

Наманган - мамлакатимизнинг аҳолиси зич вилоятларидан. Табиийки, вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор лозим. Шу боис, меҳнат бозоридаги вазиятдан келиб чиқиб, 2001-2005 йиллар мобайнида янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган махсус дастур ишлаб чиқилган эди. 2002 йилда меҳнат бўлимларига мурожаат этган фуқаролардан 75,2 фоизи иш билан таъминланди.

Меҳнат бўлимлари маҳаллий ҳокимият ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда шаҳар ва туманларда меҳнат ярмаркалари ўтказиб турибди.

Шу йилнинг биринчи ярмида вилоятдаги 535 та корхона, ташкилот ва ширкат хўжаликлар иштирокида ярмаркалар ташкил этилди. Ушбу ярмаркаларда аҳолига 3 минг 187 та бўш иш ўрни таклиф этилди.

- Меҳнат ярмаркалари ташкил этишда ҳокимликлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқда,- дейди вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасининг бошлиғи Баҳриддин Абдуллаев.- Одатда, турли ҳуқуқбузарликлар аксарият ҳеч қаерда ишламайдиганлар томонидан содир этилади. Бу ҳолат бизнинг вилоятимизга ҳам тегишли. Шу боис янги иш ўринлари яратиш, аҳолини, айниқса ёшларни меҳнатга жалб этишга мунтазам эътибор беряпмиз.

Шаҳар ва туманлардаги меҳнат бўлимлари ходимлари ишсиз ёшларни кўпроқ қишлоқ хўжалиги соҳаларига, пудрат асосида, доимий ва мавсумий ишларга, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этмоқда.

Шунингдек, чет эл инвестицияси асосида ташкил этилган «Миришкор» Ўзбекистон-Франция қўшма корхонаси, Ҳаққулобод шаҳридаги Ўзбекистон-Литва «Йигирув-тўқув ҳиссадорлик жамияти», Чуст шаҳридаги «Мармар-Ф» масъулияти чекланган жамиятининг «Блок-Шамшир» шўъба корхонасида икки юзга яқин иш ўринлари яратилди.

**(ЎзА).**

## ИШ СТАЖИ НИМА ВА УНИНГ ҚАНДАЙ ТУРЛАРИ БОР?

### Саволларингизга мутахассис Йўлдош ТУРСУНОВ жавоб беради

**САВОЛ: Биз газетангизда чоп этилаётган «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукни остида берилаётган мутахассисларнинг фуқаролар саволларига жавобларини мунтазам ўқиб борамиз. Улар бизга ҳақ-ҳуқуқимизни яхшироқ билиш, амалдаги қонунларимизни чуқурроқ ўрганишимизда катта ёрдам бераяпти.**

**Мутахассислардан иш стажи хусусида батафсил маълумот беришни сўраймиз.**

**Н.ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**И.САРИБОЕВ,**
**К.ФАЙЗИЕВ,**
**Тошкент тумани.**

**ЖАВОБ:** Меҳнат стажи деганда ходимнинг меҳнат шартномаси (контракти) асосида корхона, муассаса, ташкилотларда ёлланиб ишлаган, иш ҳақи олган даври (барча иш вақти, дам олиш вақтларини ҳам узлуксиз ўз ичига қамраб олгани ҳолда) назарда тутилади ва у юридик факт сифатида ижтимоий таъминот масалаларида муайян ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятларни келтириб чиқаради. Меҳнат стажи кунлар, ойлар, йиллар билан ҳисобланади.

Муайян меҳнат фаолияти даври иш стажи ҳисобланиши учун иш берувчи томонидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тегишли бадаллар мунтазам тўлаб турилган бўлиши талаб қилинади. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 283-моддасига кўра: «Иш берувчиларнинг давлат ижтимоий суғуртаси учун бадал тўламаганликлари суғурта қилинган ходимни давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди».

Меҳнат стажи умумий ва махсус бўлади. Умумий меҳнат стажи ҳар қандай корхона, ташкилотда меҳнат қилинган даврларни, шунингдек, иш стажи деб ҳисобланиши назарда тутилган ҳар қандай даврларни ўз ичига олса, махсус меҳнат стажи унинг соҳибига пенсия таъминотида имтиёз ва енгилликлар берилишига олиб келадиган алоҳида хусусиятга эга бўлган ишларда ишлаган давридан иборат бўлади. Махсус меҳнат стажи жумласига кирувчи даврларга шахснинг юқорида қайд этиб ўтилган зарарли ва оғир ишларнинг 1,2 ёки 3-рўйхатида кўзда тутилган касблар, лавозимларда ишлаган вақтлари киради ва бундай махсус меҳнат стажини етарли миқдорда мавжуд бўлиши фуқарога белгиланганидан аввалроқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқини беради.

Ҳозир амалда бўлган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг кучга киргунига қадар узлуксиз меҳнат стажи ҳам эътиборга олинар эди, аммо у ҳозирги пайтда ўз аҳамиятини йўқотди.

**САВОЛ: Иш стажи қўшиб ҳисобланадиган даврлар деганда нималар назарда тутилади?**

**ЖАВОБ:** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддасига кўра қуйидагилар иш стажига қўшиб ҳисобланади:

а) фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъий назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса.

1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар:

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги махсус алоқа органлари ва тоғ кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан, якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият — ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

д) I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, билим юртларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисосни ўрганиш мактаблари ва курсларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш;

ж) онанинг (ўгай онанинг) болаларини (ўгай ўғилларини, ўгай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола 3 ёшга етгунича, ҳаммасини жамлаганда 6 йил доирасида;

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикаси муассасалари ва Халқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

к) чўпонларнинг хотинларини ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган яйловларда эри билан бирга яшаган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

«е»—«к» бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а»—«г» бандларида кўрсатиб ўтилган умумий стаж камида 5 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ногирон бўлиб қолган шахслар стажига «е»—«к» бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а»—«г» бандларида кўрсатиб ўтилган стаж муддатидан қатъи назар қўшилади.

Меҳнат фаолиятида жароҳат олиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлинган вақт ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсия тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади.

Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди.

**САВОЛ: Иш стажининг имтиёзли (карралаб) ҳисобланиши нима?**

**ЖАВОБ:** Иш стажини имтиёзли (кўпайтириб) ҳисобланишига шахснинг ўта оғир, хавфли ёки жуда ноқулай шароитларида фаолият юритганлиги сабаб бўлади ва бундай ноқулайликни компенсациялаш, рағбатлантириш мақсадида иш стажини ошириб ҳисоблаш жорий этилган. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддасида иш стажи имтиёзли (кўпайтирилиб) ҳисобланадиган қуйидаги ҳоллар назарда тутилган:

а) ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидаги иш, байналмилал бурчини бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этиш — уч ҳисса баробарида;

б) иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майга қадар) мамлакат ичкарисида ишлаш, шу жумладан, ҳарбий қисмлардаги эркин ёлланганлар таркибидаги иш ва ушбу модданинг «а» бандида назарда тутилган хизматдан ташқари ҳарбий хизмат — икки ҳисса баробарида;

в) ушбу Қонун 10-моддасининг «а» ва «б» бандлари ҳамда 11-моддасининг «а» бандига мувофиқ имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган — эркакларда 10 йилдан ортиқ ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан ортиқ ишланган ҳар бир тўлиқ йил — икки ҳисса баробарида;

г) моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунодефицит вируси билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаш — икки ҳисса баробарида;

д) патолого анатомия муассасалари ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг тиббий ходимларидан айрим тоифаларининг иши — бир ярим ҳисса баробарида;

е) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, асоссиз равишда қатағон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлиш ва ҳибсда сақлаш жойларида турган вақти — бир ярим ҳисса баробарида.

*Қари билганни пари билмас*

# ТАШАББУС: ЁЗДА ОРОМГОҲ, ҚИШДА ПРОФИЛАКТОРИЙ

**Олтинсой тумани ўзининг соф ҳавоси, сўлим боғлари, ширин-шакар мевалари-ю гўзал манзараси билан ажралиб туради. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган «Чинорбулоқ» болалар оромгоҳи ҳам айни шу ерда, тоғлар қўйнида — Вахшивор дарасидаги Тўхтамиш қишлоғида жойлашган.**

Оромгоҳ бошлиғи меҳнат фахрийси Тошпўлат ҳожи Абдураҳмонов ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп татиб кўрган инсон. Иш фаолиятини тракторчиликдан бошлаб, туман ҳокимлигидан нафақага чиққан. Шуниси эътиборга лойиқки, ҳозир ишлаётган оромгоҳини йигирма йил муқаддам хўжалик раҳбари бўлган чоғида ўзи бош бўлиб қурдирган эди.

Оромгоҳ кейинги йилларда бир неча бор табиий офатлардан, айниқса, селдан қаттиқ зарар кўрди. Бу ерда ишлаган раҳбарлар тажрибасизлик қилдими, ҳар ҳолда оромгоҳдан путур кетди. Шунда туман раҳбарияти кексалик гаштини сураётган бўлса-да, ҳамон ғайратшижоатли Т.Абдураҳмоновни бу ерга таклиф этди.

Ҳожи ота ишга астойдил киришди. Қисқа фурсатда — бир ярим ойда оромгоҳни таъмирлаб, мавсумга тахт қилишга эришди. Сурхондарёдаги ўнлаб ташкилотлар билан шартномалар тузилди. Зеро, бу ерда ҳозир вилоятнинг олтита — Денов, Шўрчи, Ангор, Термиз, Қумқўрғон ва Олтинсой туманларидан қарийб 300 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқармоқда.

Оромгоҳ жами 17 гектар майдонни эгаллаган. Бу ерда 5 минг тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт мавжуд. Ҳавони тозалашда арчанинг хизмати беқиёс эканлиги боис ётоқхоналар ва болалар ўйнайдиган жойларга шу дарахт кўпроқ экилган. Тошлоқ жойда ҳам яхши ўсишини эътиборга олиб, келаси йил баҳорда минг туп ёнғоқ экиш режалаштирилмоқда. Айниқса, соябон ўрнини босувчи гужум дарахтини кўпайтиришга катта аҳамият бериляпти. Ҳокимият суғориладиган ердан яна 30 гектар ер ажратиб бериш мақсадида. Ўшанда оромгоҳ деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликларини ташкил этиб, ўзини-ўзи маблағ билан тўлиқ таъминлаш имкониятига эга бўлади.

Тошпўлат ота оромгоҳ шароитини янада яхшилаш учун қўшимча тадбирларни ҳам ишга солди. Жумладан, 40 километр масофадан нон ва сут маҳсулотлари ташиб келтиришдан воз кечди. Шу ернинг ўзида иссиқ нон тайёрлашни йўлга қўйди. Болаларни шифобахш, янги соғилган сут билан таъминлашнинг ҳам ўзига хос йўлини топди. Оромгоҳни деҳқончилик ва гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминлаб турувчи хўжаликларнинг баъзиларини бундай юмушдан озод қилди. Эвазига эса то мавсум тугагунча битта соғин сигирни ижарага бериб туришни таклиф этди. Шу йўл билан бешта соғин сигир келтирилиб, кичик ферма ташкил қилинди. Ветеринария кўригидан ўтказилган сигирлар парваришини кучайтириш эвазига улардан олинаётган сут миқдори ҳам кундан-кунга ўсиб боришига эришилмоқда.

Ҳозир 16 та гуруҳга бўлиниб, кўнгилли ҳордиқ чиқараётган ўғил-қизларнинг дам олиши мазмунли ўтиши учун бош тарбиячи Абдунаби Мелиев жонбозлик кўрсатмоқда. Термиз педагогика университетининг Муҳаббат Жўраева бошчилигидаги 16 нафар талабаси дам олувчиларнинг меҳрибон етакчиларига айланган. Жисмоний тарбия бўйича раҳбар, моҳир курашчи Алишер Қосимов эса ёшларнинг севимли устозидир. Болажонларнинг ҳар бир ҳаракати тиббиёт ҳамшираси Гулбаҳор Бўриева диққат-эътиборида бўляпти.

Дарҳақиқат, «Чинорбулоқ»-да дам олувчиларнинг ҳар бир дақиқаси жуда мароқли ўтмоқда. Катта спорт майдони, иккита сузиш ҳавзаси уларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Болалар бу ерда каштачилик, шахмат-шашка, футбол, волейбол каби спорт турлари билан шуғулланадилар. «Ёш санъаткорлар» клуби эса қизиқчилик, созандалик, ашула ва рақс бўйича машғулотлар олиб боради. 500 дан ортиқ турли мавзудаги асарлар жамланган кутубхона ҳам ўз ўқувчилари билан гавжум. Ҳисор тоғ ёнбағирлари бўйлаб махсус йўналишлар бўйича турли саёҳатлар уюштириляпти. Дам олувчилар бунда табиат манзараларини томоша қилишдан баҳрамандгина бўлиб қолмай, ўлкамизнинг бой ўсимлик дунёси билан ҳам танишмоқдалар.

— Мен ҳаётимда турли соҳа ва лавозимларда фаолият кўрсатган бўлсам-да, бирор марта ҳам болалар билан ҳамкорликда ишлашга тўғри келмаганди, — дейди Тошпўлат ота. — Болалар билан ишлаш ҳам қувончли, ҳам фахрли эканлигини энди тушуниб етдим. Оромгоҳда ҳар куни муаммоларга дуч келаман. Уларни бартараф этиш учун елиб-югуриш эса менга ҳузур бағишлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу ернинг мусаффо ҳавоси, зилол булоқлари-ю жўшқин сойлари кишини ўзига ром этмай қўймайди. Ана шундай таърифларга эга Вахшиворда жойлашган ором масканининг кенг имкониятлари ҳақида ўйлар экан, ташаббускор ва тадбиркор ҳожи отада яна бир ибратли фикр туғилди. Оромгоҳ уч ой — ёзги таътил пайтидагина ишлайди. Сўнгра йил давомида бўш ётади. Борди-ю унинг шароитларини янада яхшилаб, тиббий хизматни жорий этиб, бу ерда дам олиш уйи ёки профилакторий ташкил этилса қандай бўларкин? Ва унда хўжаликларнинг илғор ходимлари, механизаторлари, тракторчи-ю сувчилари касаба уюшма қўмиталари йўлланмалари билан бепул ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тикласа.

Тошпўлат отанинг бу ўринли таклифи кўпчиликни қизиқтириб қолди ва туман ҳокимлигида ҳам қўллаб-қувватланди. Ажаб эмаски, ҳадемай бу савобли ташаббус ҳам вилоят раҳбарияти ва касаба уюшмалари кенгаши ёрдамида амалга оширилса.

**Бахтиёр МАНСУРОВ, Чори ТЎХТАЕВ, Сурхондарё вилояти.**

# КАСАБА УЮШМА ЛАУРЕАТЛАРИ



**Яқинда «Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати» номзодлигига кўрик-танлов бўлиб ўтди. Ушбу танловда назм йўналиши бўйича Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Избоскан туман қўмитаси раиси Абдулла Комил совриндор бўлди.**

**Қуйида кўрик-танлов ғолибининг шеърларидан намуналар ўқийсиз.**

## ЮРАГИНГДАН БИР ЎПАЙ, ВАТАН

*Менга «Шеър ёзмагин!», демади биров,*
*Ёки қолмагандим ҳали мен ҳориб.*
*Андиша аталмиш туйғу беаёв,*
*Қаршимда турарди шамшир кўтариб...*

*Ватаним бор эди кўҳна, барҳаёт,*
*Улама дарахтдай бўлди тажриба.*
*Ҳатто тарихимни ўқидим, ҳайҳот,*
*Бошқа бир тиллардан қилиб таржима.*

*Аждодлар фарёди даврлар оша,*
*Озодлик йўлига бўлса поёндоз.*
*Тарих тураверди қилиб томоша,*
*Йилларни ютқазди ҳаёт — қиморбоз.*

*Ватаним, сабри кенг жафокаш Она,*
*Чексиз бардошингга озодлик тортиқ.*
*Фарзандлар доғида куймайсан ёна,*
*Кўксингда тумордек қотмайди оғриқ.*

*Ўтмишнинг хатоси сабоқдир бизга,*
*Юз йиллик умидлар тугмоқда ҳосил.*
*Шитоб кирмоқдамиз эрк денгизига,*
*Омад шамоллари эсар муттасил.*

*Кечир, она Ватан, гумроҳ ўғлингни,*
*Эгилган бошни дер, кесмайди қилич.*
*Қалам ёндирмоқда энди қўлимни,*
*Шеър — истак кўнглимни қўймаяпти тинч.*

*Онажон, менга ҳам бағрингни кенг оч,*
*Шоиринг биттага қолди кўпайиб.*
*Фарзандига ҳар дам улашган қувонч,*
*Юрагингдан, Ватан, кел бир ўпайин.*

## БАҲС

*Баҳслашсак зиёфат устида узоқ,*
*Соғлиқ тўғрисида сўз борар яккаш.*
*Ичкилик меъдадан тошса-да, бироқ*
*Бир мавзу бўлади ўртада талаш:*

*— Билсангиз, зўр экан Тошканнинг суви,*
*Кеча ўн хил овқат еган эдим нақд.*
*Ойнага қарасам эрталаб туриб,*
*Юзимда салқилар қолмабди мутлақ.*

*— Бешариқ сувига тенг келмас дори,*
*Тошларни туширар ўту буйракдан.*
*Ўтаверсин дунёда табибнинг бари,*
*Ичсангиз уч маҳал бир челакдан...*

*Шароблар ичилар юракни ёқиб,*
*Ошқозон қийналар овқат кучидан.*
*Дарстурхонга қўшиб соғлиқни қоқиб,*
*Сўнг уни истаймиз қудуқ ичидан.*

## ХАЁЛДА ЧЕРТИЛАР...

*Деразa чертилар. Ташқарида тун,*
*Кўнгил хушёр тортар ширин умидда.*
*Эшикни очасан аста олмай тин,*
*Ҳеч шарпа кўринмас лекин зулматда.*

*Тонг отгач биласан у — орзу, хаёл,*
*Юрагинг дераза чертишин пойлаб*
*Интизор бўлганда тегинган хиёл,*
*Интиқ орзуларни қатига жойлаб.*

*Хаёлда чертилар дераза илк бор,*
*Хонага сен кутган бахт кирар учиб.*
*Уйғониб кетсанг-чи, кўзларинг хумор*
*Ва ётган бўласан болишни қучиб.*

**Абдулла КОМИЛ**

# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ





Халқ саломатлиги йўлида хизмат қилиш энг шарафли, шу билан бирга ғоят масъулиятли ишдир. Зеро, бу вазифа кишидан чуқур билим, юксак дид ҳамда ширин сўз бўлишни талаб этади. Шаҳрисабз туман марказий шифохонасининг кардиология бўлимида хизмат қилаётган Гулбарчин Эргашева ана шу фазилатларни ўзида мужассам этган ҳамширалардан. У яқинда бўлиб ўтган «Ҳамшира-2002» вилоят кўрик-танловида ғолиб чиқиб, республика босқичига йўлланма олди.

***Суратда: моҳир ҳамшира Гулбарчин Эргашева.***

**Шавкат СУЛТОН олган сурат.**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Қадимги Грецияда укроп ҳиди атиргул ҳиди сингари илоҳий ҳисобланган. Ҳаттоки унинг шохлари, гулчамбарларига қўшиқ тўқилган.

* * *

Илмий тиббиётнинг отаси Гиппократ — «Барча истеъмол этаётганларимиз шифобахш бўлиши зарур, дори-дармонлар эса озуқа қийматига эга бўлиши керак» деган эди.

* * *

Консервалар илк бор 1806 йилда ишлаб чиқарилган. Шиша идишларда консервалар тайёрлаш патентини биринчи бўлиб француз Николас Аппор олган . 1816 йилдан қалайдан қилинган банкаларда тиқинланган мол, қўй гўшти ва сабзавот консервалари ишлаб чиқариш бошланган.

## ЖАҲОНГАШТА МИЛЛИОНЕР

*Турфа олам*

Дунёда машҳурликка интилмаган одам кам топилса керак. Тарих саҳифаларида номи қолишини ким ҳам истамайди, дейсиз?

Куни кеча Гиннесснинг машҳур рекордлар китобида яна бир ном пайдо бўлди. Америкалик Стив Фоссетт инсоният тарихида илк бор ҳаво шарида курраи заминни айланиб чиқди. Америкаликлар фахр оғушида: қўшалоқ байрам - бири АҚШ мустақиллиги бўлса, иккинчиси - жаҳонгашта Стив Фоссеттнинг муваффақиятидир.

Эллик саккиз яшар америкалик тадбиркор анчадан буён ғайриоддий саёҳатларнинг ишқибози бўлиб юрарди. 1985 йили Ла-Манш бўғозидан сузиб ўтгач, Стив Фоссеттни сайёрамизни ҳаво шарида айланиб чиқиш фикри безовта қила бошлади. Бироқ у мазкур режани олтинчи уринишдагина амалга оширди.

Саёҳат Австралиядан бошланиб Африка, Жанубий Америка, Ҳинд ва Тинч океани орқали яна Австралияда интиҳо топди. Жами йигирма саккиз минг километр масофадан иборат узлуксиз саёҳатни Фоссетт ўн беш кун деганда якунлади. Бир қарашда жаҳонгашталик қисқа вақтда ниҳоясига етгандек кўринади. Гап шундаки, у бошқариб борган «Спирит оф фридэм» - «Озодлик руҳи» деб аталган ҳаво шари замонавий техника билан тўлиқ жиҳозланган эди ва шу боис соатига 196 километргача тезликда йўл босди.

Кумуш ранг шар ниҳоятда баҳайбат кўринади. Энг сўнгги технологиялар туфайли у ўн минг метргача баландликка кўтарила олади. Шу сабабдан Фоссетт баланд тоғ тизмаларидан ўтишда у қадар қийналгани йўқ. Ноқулай об-ҳаво шароитини ҳисобга олмаганда, парвоз деярли тўхтамай давом этди. Фоссетт ярим ойга етадиган озиқ-овқат ғамлаб олгани боис йўлда оч қолгани йўқ.

**(ЎзА).**

## АНТИҚА МУСОБАҚА

Австралиянинг Сидней шаҳрида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шахмат мусобақаси ўтказилган. Қатнашчилар уни уюштириш учун Тасман денгизи тубини танлашган.

Антиқа баҳсда сув остида нафас олиш имконини берадиган махсус мослама кийиб олган 18 нафар шахматчи иштирок этган. Унда австралиялик Уоррен Левис ғолиб чиққан.

Шахматчиларнинг айтишларича, ўйинлар одатдагидан анча тез тугаган. Чунки заҳирадаги кислород атиги бир соатга етган.

* * *

Бундан 40 йил аввал Филадельфия (АҚШ)да йиғлаш мусобақаси ўтказилган эди. Унда 19 ёшли Кэрол Хайди деган қиз тўрт соат давомида тинмай йиғлаб ғолиб чиққан.

Дафн этиш идорасида ёлланиб ишлайдиган икки йиғлоқи эса бу мусобақада иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашган.

## БУ — ҚИЗИҚ

Америкадаги Массачусетс университетининг автоматик қурилмалар бўйича истеъдодли мутахассиси Х.Шрикумар митти компьютер қурилмасини яратишга муваффақ бўлди. Аспирин таблеткаси ҳажмига тенг бўлган бу қурилма ёрдамида интернет алоқа тармоғи билан боғланиш ҳамда уйдаги барча электр жиҳозларини бошқариш мумкин.

**А.АЛИЕВ.**

## САЙЁРАЛАР ШУНДАЙ НОМЛАНУР

Қуёш системасига катта сайёраларнинг 31 та йўлдоши ва бир ярим мингдан зиёд астроидлар киради. Астроид — юнонча «юлдузсимон» деган маънони англатади.

Марснинг икки йўлдоши Марс худоси ўғилларининг юнонча номлари Фобос («ваҳима»), Деймос («даҳшат») деб аталган.

Юпитернинг тўртта энг йирик йўлдошини италиялик машҳур олим Галилей топган ва улар Галилей ойлари деб аталган эди. Бу ойлардан бирига Европа деган ном берилган, қолган учтасини Ио, Ганимед, Каллисто деб аташади. Юпитернинг қолган саккиз йўлдоши жуда кичик.

Сатурннинг тўққиз йўлдошининг номлари ҳам ажойиб. Улардан тўрттаси: Титан, Яцет, Мимас, Феб деб номланади. Булар ичида энг каттаси Титан — юнонча Гелпос деб, яъни Қуёш худосининг номи билан аталади.

Марс билан Юпитер орасида кичик сайёра — астроидлар ўз орбитаси бўйлаб айланиб юради. Астроидлар тобора кўпайиб ном етишмай қолганидан уларга немислар ва норвегияликлар исми берила бошланди.

У ҳам озлик қилгач, Евгения, Елена, Анна каби аёллар исми, Россия, Венгрия, Хитой каби мамлакат ва шаҳар номлари, ниҳоят Галилей, Коперник сингари олимларнинг номлари қўйилаверди.

Шундай қилиб, коинотда абадий қолажак янги номлар пайдо бўлмоқда.

**У.ФАРМОНОВ.**

*Табиат манзараси*



## Ним табассум

*Хотин эрига таклиф қилди:*

*— Дадаси, бир кун жанжал бўлган уйда қирқ кун барака бўлмайди, дейишади. Келинг, жанжаллашмаслигимиз учун ҳар гал орамиздан гап қочганда қутига минг сўмдан ташлаб қўямиз.*

*Эр тутоқиб кетди.*

*— Оғзим бор деб гапираверар экансан-да. Нима, мен миллионерманми?*

* * *

*Бир одам оғайнисига мақтанди:*

*— Агар хотинимнинг чакаги очилиб қолгудек бўлса, шундай қиламанки, дарҳол нима деяётганини билмай қолади.*

*— Э яхши-ку, менга ҳам ўргат.*

*— Жанжал бошланиши билан, ҳеч нарса бўлмагандек ундан:«Кечирасан, азизам, «Балиқда тиш бўлмайди, балиқ тишсиз бўлади, балиқнинг тиши йўқ» деган ибораларнинг қайсиси тўғри, дея сўрайман.*

*— Хўш, кейин-чи?*

*— Ҳеч нарса. Хотиним ўйлаб қолади ва тинчийди.*

*— Умуман, бояги ибораларнинг қай бири тўғри?*

*— Мен қаёқдан билай. Лекин шуни биламанки, дилсиёҳликнинг олди олинади.*

* * *

*Мижоз сартарошнинг қаттиқ мастлигини сезиб, қўрқиб сўради:*

*— Ишқилиб, эт-бетимни қирқиб олмайсизми?*

*Сартарош ғўлдиради:*

*— Эсингиз жойидами? Ҳеч нарсани кўрмаётган бўлсам, нимани қирқиб оламан?*

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 22.00

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Буюртма Г— 619. 1 2 3 4 5 6